ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД - 5510400-2.12

2021 йил "04" 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

121-сонли буйруғи

2021 йил "04" 06

ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	- Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510400	- Стоматология

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

Рустамова Х.Е.	ТДСИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ва жисмоний маданият кафедраси профессори, т.ф.д.,
Нурмаматова Қ.Ч.	ТДСИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ва жисмоний маданият кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар

Умаров Б.А.	ТДСИ, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ва жисмоний маданият кафедраси доценти, т.ф.н.
Маматкулов Б.М.	ТТА, Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби директори, т.ф.д., профессор.

Модул дастури Тошкент давлат стоматология институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент давлат стоматология институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “29“ январдаги 5-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасаларараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил ____ _____даги _____-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “ ” даги “ ” - сонли буйруғининг - иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модули дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган.

Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабаларга келгусидаги шифокорлик амалиётида керак бўладиган жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модулининг асосий тушунчаларини тиббиётнинг ривожланиш йўлларини, унинг эришган ютуқларини, жамоат саломатлигини, уларнинг яшаш шароитларини, таъсир этувчи ижтимоий-гигиеник, иқтисодий, биологик ва ташкилий омилларни, шу билан бир қаторда, аҳоли саломатлиги динамикасини, аҳолини соғломлаштириш йўлларини, тиббий муассасалари фаолиятини бошқариш билан боғлиқ назарий, услубий, ташкилий, иқтисодий қирраларини илмий нуқтаи-назардан ўргатади.

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модули клиника олди блокига киритилган модул ҳисобланади ва 3 ва 5 курсларда ўқитилади. Модулни ўқитиш учун тиббий биология, умумий генетика, гигиена, тиббий экология, анатомия, тиббий кимё модуллари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модули кейинчалик терапия, хирурия ва бошқа клиник модуллар учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади - жамоат саломатлиги, унга таъсир этувчи хавф омиллари, аҳоли саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва қайта тиклашни таъминлайдиган тизими, ташкилий-методик, бошқарув жараёнига баҳо бера оладиган, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш бўйича назарий, илмий-амалий ва услубий билимларга эга бўлган мутахассисни (умумий амалиёт шифокори) тайёрлашдир.

Модулнинг вазифалари:

- талабаларга назарий ва амалий билимлар бериш, жамоат саломатлигини ўрганиш усуллари ва услубларини, аҳоли саломатлиги ва унга таъсир этувчи ижтимоий шарт-шароитларни ўргатиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг соғлиқни сақлаш борасидаги сиёсатини назарий асослаш ва соғлиқни сақлаш, аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш;
- бозор иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- тиббиёт ходимларини замон талабларига мос ҳолда тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича билимлари ва кўникмаларини шакллантириш.

2.1. ***Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:***

Талаба:

<u>5-семестр</u>

- санитария статистик тадқиқот усулларини қўллашни, аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш усуллари;

- Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ва санитария-эпидемиология хизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, даволаш – профилактика стоматология ва санитар-эпидемиологик муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари;

– соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

- меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши***;

- тиббий статистика бўлимлари ва унинг вазифалари, санитария - статистик тадқиқот босқичларининг мақсад ва вазифалари, аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини;

- жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллари, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташқи муҳит омилларини ва профилактика тадбирларини;

- соғлом турмуш тарзини шакллантириш усуллари, соғлом турмуш тарзини тарғибот усуллари ва воситалари, стоматологнинг аҳоли саломатлигини сақлашдаги ролини;

- соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва янги иқтисодий муносабатларга ўтиш туфайли жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг асосий ривожланиш босқичлари ва илмий-амалий муаммоларини;

-аҳолининг барча қатламларига бирламчи тиббий хизматни ташкил этишни;

-инсонни инсонга, жамиятга ва ташқи муҳитга нисбатан муносабатини тартибга солувчи бемор ва шифокор стоматолог ўртасидаги этик ва хуқуқий меъёрларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;

- аҳоли саломатлиги, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, уларни таққосий баҳолаш;

- аҳолига даволаш-профилактик стоматологик ёрдамини ташкил қилиш;

- меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш;

- соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамнинг сифатини назорат қилиш;

- аҳолини гигиеник тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини ўтказиш бўйича ***малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.***

<u>9-семестр</u>

– бозор иқтисодиёти ва соғлиқни сақлаш тизимини ҳозирги даврида шаклланиб бораётган тиббий бозор хусусиятлари, тиббий хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳисобга олиш услублари ва тамойиллари, тиббий муассаса ва

унинг бўлимларининг асосий потенциал мижозлари, эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиш ва қондиришга илмий ёндошув услублари ва маркетинг тадбирлари режаси;

- стоматологик муассасалар бошқаришда замонавий менежмент назариялари, соғлиқни сақлашни режалаштириш, иқтисодиёт, маблағ билан таъминлаш асослари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши***;

- муассаса фаолиятини маркетинг бошқарувида иқтисодий ахборотларнинг аҳамияти, маркетинг ахборотлари тизимини, маркетинг тадқиқотлари муаммоси ва мақсадларини аниқлаш, ахборотлар манбаларини танлаш ва уларни йиғиш, тиббий хизматлар бозорини шаклланиши ва унинг хусусиятлари, тиббий хизматлар бозорини бошқаришдаги давлатни ролини;

- стоматологик муассасалар ва уларни бўлимларини бошқаришда менежмент, аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва стоматолог шифокорнинг асосий вазифаларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;

- тиббий хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, тиббий муассасада мижозга қаратилган тиббий хизматни ташкил этиш, маркетинг тадқиқотлар олиб бориш, ходимларни бошқариш бўйича ***малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.***

3. Асосий қисм

3.1. ***Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар***

5-семестр

Жамоат саломатлиги модули

1-мавзу. "Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" модулига кириш. "Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" модул сифатида тиббиёт, гигиена ва жамият модуллари ичидаги ўрни. Республикада ва хорижий давлатларда "Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" модулининг шаклланиши ва ривожланиши. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) таркиби, БЖССТнинг асосий йўналишлари, соғлиқни сақлашнинг турли масалаларини ечишда БЖССТ ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикасини БЖССТ фаолиятида иштирок этиши. Замонавий босқичда соғлиқни сақлашни ташкил этиш.Ўзбекистон Республикаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг қонунчилик асослари.

2-мавзу. Тиббиёт статистикаси асослари. Тиббиёт статистикаси ва унинг соғлиқни сақлашни назарий ва амалий аҳамияти. Статистиканинг назарий асослари ва мазмуни. Генерал ва танлаб олинган мажмуалар ҳақида тушунча.Тиббий маълумотларга ишлов беришда асосий статистик усуллар. Статистик тадқиқот босқичлари. Мутлоқ, нисбий, ўртача миқдорлар, уларни тиббиётда қўлланилиши. Далилларга асосланган тиббиёт ҳақида тушунча.

3-мавзу. Аҳоли орасида демографик жараёнларни ўрганиш усуллари. Демография, унинг тиббиётда ва соғлиқни сақлашдаги ўрни.Тиббий

ижтимоий жиҳатлари. Демографик портлаш, кризис тушунчалари. Аҳоли ўсишининг муаммолари. Оилани оқилона режалаштириш.

4-мавзу. Аҳоли касалланиши ва уни ўрганиш усуллари, ижтимоий-тиббий қирралари. Аҳолининг касалланишини ўрганишда давлат статистикасининг аҳамияти. Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларининг таснифи. Аҳолини стоматологик касалланишини ўрганишнинг усуллари ва услублари, касалланишни ўрганишда эксперт баҳолаш, аҳолини касалланиш сабабларинийўрганиш. Муҳим ноинфекцион касалликларнинг тиббий-ижтимоий аспектлари (юрак қон-томир касалликлари, онкопатология, травматизм). Асаб-руҳий касалликлар, алкоголизм, наркомания, токсикомания тиббий-ижтимоий муаммо сифатида.

5-мавзу. Соғлом турмуш тарзи ва уни шакллантириш усуллари. Саломатлик ҳақида тушунча. Соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунча. Соғлом турмуш тарзи категориялари. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш усуллари. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш технологиялари. Соғлом турмуш тарзи аспектлари ва стандартлари. Аҳолининг мақсадли гуруҳлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Соғлиқни сақлашда профилактик йўналишлар. Профилактика турлари.

6-мавзу. Соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи тиббий санитария ёрдамни ташкил этиш. БТСЁ кўрсатадиган муассасалар, вазифалари, структураси. БТСЁ ташкил этиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш. Умумий амалиёт стоматологининг асосий вазифалари. УАШни аҳолини турли контигентлари билан ишлашда асосий хусусиятлари. УАШнинг асосий иш услуби. УАШ иш фаолиятини баҳолайдиган кўрсаткичлар. УАШ фаолиятида қўлланиладиган ҳисобий ва ҳисобот ҳужжатлар. Тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш (ТТЁ) ва унинг аҳолининг барча қатламларига ёрдам кўрсатишнинг муҳим томонлари. ТТЁ муассасалари ишини мазмуни, улар фаолиятини таҳлили.

7-мавзу. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига стоматологик ёрдамни ташкил этиш. Стоматологик поликлиника тузилиши, асосий вазифалари. Стоматологик муассасалар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг турли босқичларида стоматологик муассасалари ишини ташкил этиш.

<u>9-семестр.</u>

<u>Маркетинг, менежмент модули</u>

8 - мавзу. Соғлиқни сақлашда ва стоматологияда маркетинг. Маркетинг бошқарувнинг моҳияти, мақсади, вазифалари. Маркетинг модулининг вужудга келиш сабаблари, концепциялари. Соғлиқни сақлашга бўлган талаблар, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатишда маркетинг бошқарувининг зарурлиги. Эҳтиёж, талаб, товар, хизматлар, айрибошлаш ва бозор тушунчаларининг моҳияти ва уларни тиббий бозорни маркетинг бошқарувидаги ўрни. Стоматологик хизматларга бўлган бозор талаблари ва бозор муносабатлари. Аҳолига сифатли стоматологик хизматларни кўрсатишда фан ва техника тараққиётининг ўрни.

9 - мавзу. Соғлиқни сақлашда менежмент. Ходимларни бошқариш. Менежмент модулининг вужудга келиш шарт нароитлари. Менежмент модулини ривожланиш босқичлари ва назариялари. Анъанавий (классик) менежмент мактабини вужудга келиши ва унинг асослари. Менежментда маъмурий бошқариш назарияси ва аҳамияти. Инсон психологиясига асосланган бошқарув назариясини шаклланиши ва ривожланиши. Муассасада ходимларни бошқаришнинг асослари. Муассаса меҳнат ресурсларини режалаштириш ва уни баҳолаш. Тиббиёт ходимларни билим, тажриба, малакаларига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини боғлиқлиги ва уни таъминлаш муаммолари. Ходимларни ишга қабул қилиш, уларни танлаш ва иш жойларини тақсимлаш. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. ДПМ фаолиятини бошқаришда менежернинг роли ва унинг шахсий сифатлари. Менежер ва етакчилик. Менежментда зиддиятларни бошқарув.

3.2. ***Модулдаги амалий машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

3.2.1. Амалий машғулотларининг мавзулар рўйхати:

5-семестр

Жамоат саломатлиги модули

1- мавзу. Жамоат саломатлиги ва соғликни сақлашни ташкил этиш модулнинг ўрни, асосий вазифалари. Тиббиёт статистика, унинг соғлиқни сақлашдаги аҳамияти, статистик тадқиқотларни ташкил этиш.

2-мавзу. Нисбий миқдорлар, уларнинг тиббиётда қўлланилиши. График тасвирлар, уларнинг қўлланилиши.

3-мавзу. Ўртача миқдорлар, турлари, ҳисоблаш усуллари, тиббиётда қўлланилиши.

4-мавзу. Статистик тадқиқот натижаларининг ишончлик даражасини баҳолаш.

5-мавзу. Корреляция коэффициенти, унинг баҳолаш усуллари, статистик таҳлил этишда қўлланилиши.

6-мавзу. Динамик қаторлар, турлари, кўрсаткичлари, статистик таҳлил этишда қўлланилиши.

7-мавзу. Стандартлаштириш, стандартлаштирилган кўрсаткичларининг аҳамияти, уларни ҳисоблаш.

8- мавзу. Аҳоли орасида демографик жараён ва демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари.

9-мавзу. Аҳоли касалланиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш. Халқаро касалликлар таснифи.

10-мавзу. Ижтимоий-гигиеник аҳамиятга эга бўлган касалликларни ўрганиш, уларни камайтириш борасида стоматологнинг роли. Ўзбекистонда кўп учрайдиган юқумли бўлмаган касалликларни эпидемиологиясини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш.

11-мавзу. Эпидемиологик тадқиқотлар турлари, босқичлари. Ретроспектив эпидемиологик таҳлил ва унинг НИК мониторингидаги роли. Далилларга асосланган тиббиёт.
12-мавзу. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш асослари. Асосий принциплари, вазифалари. Соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий қонун ва меёрий ҳужжатлари.
13-мавзу. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш. УАШ ва умуммий амалиёт стоматологи ишини ташкил қилиш, УАШ асосий вазифалари, иш фаолиятини таҳлили. Диспансеризация.
14-мавзу. Шаҳар аҳолисига тиббий хизматни ташкил қилиш. Оилавий поликликанинг иш фаолияти, асосий вазифалари, иш усули, ҳисобий ва ҳисобот ҳужжатларни юритиш хусусиятлари. Иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
15-мавзу. Қишлоқ аҳолисига тиббий хизматни ташкил қилиш. Қишлоқ оилавий поликлиника (ҚОП)ва қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) иш фаолияти, асосий вазифалари,ҳисобий ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш. Иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
16-мавзу. Стационар муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш. Стационар иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
17-мавзу. Ўзбекистон Республикасида стоматологик хизматни ташкил этиш асослари. Стоматологик поликлиника тузилиши ва вазифалари. Стоматологик поликлиника иш фаолиятини таҳлил қилиш. Аҳолига санитария-эпидемиология хизматини ташкил этиш. Аҳолини гигиеник ўқитиш ва тарбиялашда умумий амалиёт стоматологнинг роли. Шифокор этикаси ва деонтологияси. Шахслараро мулоқот. Нотиқлик санъати, омма олдида чиқиш кўникмаси.
18-мавзу. Вақтинчалик меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ва ўтказиш қоидалари. ВКК ишини ташкил қилиш ва вазифалари. Касаллик варақасини тўлдириш ва бериш қоидалари. Тиббий-ижтимоий экспертиза. Ногиронлик, уни белгилаш критериялари, реабилитация муаммолари.

9-семестр
Маркетинг, менежмент модули
1-мавзу. Маркетинг назариялари ва концепциялари. Маркетингнинг вужудга келиш асослари, тарихи, маркетинг элементлари. Маркетинг тадқиқотлари. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тамойиллари. Маркетинг тадқиқотларида ахборот йиғиш усуллари.
2-мавзу. Замонавий менежмент, унинг моҳияти ва хусусиятлари. Менежмент услублари, функциялари. Соғлиқни сақлашда менежер ўрни ва роли. Соғлиқни сақлаш бошқарувида қарорлар қабул қилиш. Стратегик, тактик, оператив қарорлар. Ходимларни бошқариш. Ходимларни ишга қабул қилиш,

уларни танлаш ва иш жойларини тақсимлаш. Тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

3-мавзу. Стандартлар ва клиник протоколлар, уларни тузиш тамойиллари. Амбулатор-поликлиник ва стационар даражадаги стандартлар. Сифатни назорат, экспертиза қилиш тартиби ва меъёрий-ҳуқуқий актлар.

3.2.2. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар

Модул давомида талабалар амалий машгулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модули бўйича билимларини чуқурлаштириш, амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаш, мустақил равишда адабиётлардан тўлақонли фойдаланиш.

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

1. Аҳоли саломатлиги, даволаш профилактика ва стоматология муассалалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлил қилиш;
2. Даволаш – профилактика муассаларида қўлланиладиган ҳужжатларни тўлдириш.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК 1[1]. Абстракт фикр юритиш, ҳодисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ижтимоий-гигиеник билимларни қўллаш қобилияти;

УК 5. Турли касалликларнинг клиник аломатларини ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини ўрганиш ва таҳлил қилишда ижтимоий-гигиеник билимлари асосларини қўллаш қобилияти;

УКК 1[2]. Профессионал фаолиятининг турли соҳаларида ижтимоий-гигиеник билимларни қўллаш қобилияти;

УКК 2. Соғлом турмуш тарзи, ҳар тарафлама ривожланиш, ҳаётий қийинчиликларни самарали енгиш, атроф-муҳит билан гуманистик ўзаро таъсир қилиш, тиббий билимларни оммалаштиришга қаратилган дастурларни шакллантириш;

УКК 3. Амалий ва тадқиқот масалалари, нуқсон таркиби ва хавф омилларини аниқлаш мақсадида бемор ва унинг оиласини диагностик кўрик ўтказиш дастурларини тузишни йўлга қўйиш;

УКК 4. Ҳамкасблар, беморлар ва уларнинг қариндошлари билан оғзаки ва ёзма равишда алоқа қилиш.

Модул давомида ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалиёт дарсларини сифатли ўтиш, амалий кўникмаларни тўлиқ ўзлаштириш мақсадида, амалий машғулотнинг амалий қисмида талаба

---

[1]УК- умумий компетенция

[2]УКК – умумий касбий компетенция

томонидан унинг амалий фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган стандартга мос амалий кўникмаларни ассистент-талаба, талаба-амалиёт услубида автоматизм даражасига етказиш зарур.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар:

Талаба мустақил таълимининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

5-семестр.

Жамоат саломатлиги модули

1. Тиббиёт статистикаси асослари, унинг соғлиқни сақлашдаги аҳамияти, тиббиёт статистикаси турлари ва уларнинг асосий вазифалари.
2. Нисбий миқдорлар, уларнинг тиббиётда қўлланилиши.
3. Ўртача миқдорлар, турлари, ҳисоблаш усуллари, тиббиётда қўлланилиши.
4. Статистик тадқиқот натижаларининг ишончлик даражасини баҳолаш.
5. График тасвирлар, уларнинг қўлланилиши.
6. Корреляция коэффициенти, унинг баҳолаш усуллари, статистик таҳлил этишда қўлланилиши.
7. Динамик қаторлар, турлари, кўрсаткичлари, статистик таҳлил этишда қўлланилиши.
8. Стандартлаштириш, стандартлаштирилган кўрсаткичларининг аҳамияти, уларни ҳисоблаш.
9. Аҳоли орасида демографик жараён ва демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари.
10. Аҳолининг жисмоний ривожланиши ва унинг ўрганиш усуллари.
11. Ногиронлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари. Аҳоли саломатлигини баҳолашда ногиронлик кўрсаткичларининг ўрни.
12. Ижтимоий-гигиеник аҳамиятга эга бўлган касалликларни ўрганиш, уларни камайтириш борасида умумий амалиёт стоматологининг роли. Ўзбекистонда кўп учрайдиган юқумли бўлмаган касалликларни эпидемиологиясини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш.
13. Эпидемиологик тадқиқотлар турлари, босқичлари. Ретроспектив эпидемиологик таҳлил ва унинг НИК мониторингидаги роли.
14. Далилларга асосланган тиббиёт.
15. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш асослари. Асосий принциплари, вазифалари. Соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий қонун ва меёрий ҳужжатлари.
16. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш. Диспасеризация.

17. Оилавий поликлиника, ҚОПва КВП иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
18. Стационар муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш. Стационар иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
19. Шошилинч тиббий хизмат ва ихтисослаштирилган марказлар фаолияти. Тез тиббий ёрдам станцияларининг иш фаолиятининг мазмуни, асосий вазифалари, иш фаолиятини таҳлили.

9-семестр.
Маркетинг ва менежмент модули
1. Маркетинг назариялари ва концепциялари.Маркетингнинг вужудга келиш асослари, тарихи, маркетинг элементлари.
2.Маркетинг тадқиқотлари. Маркетинг тадқиқотларини ўтқазиш тамойиллари. Маркетинг тадқиқотларида ахборот йиғиш усуллари.
3. Замонавий менежмент, унинг моҳияти ва хусусиятлари. Менежмент услублари, функциялари. Соғлиқни сақлашда менежер ўрни ва роли. Соғлиқни сақлаш бошқарувида қарорлар қабул қилиш. Стратегик, тактик, оператив қарорлар.
4. Ходимларни бошқариш. Ходимларни ишга қабул қилиш, уларни танлаш ва иш жойларини тақсимлаш. Тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.
5. Ходимларни бошқаришда замонавий мотивация назариялари.
6. Бошқарувнинг Япония ва АҚШ модели.
7. Хорижий давлатларда стоматологик хизматлар. Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилоти.
8.Стандартлар ва клиник протоколлар, уларни тузиш тамойиллари. Амбулатор-поликлиник ва стационар даражадаги стандартлар. Сифатни назорат, экспертиза қилиш тартиби ва меъёрий-ҳуқуқий актлар.
9. Соғлиқни сақлашни режалаштириш, маблағ билан таъминлаш асослари.
10. Соғлиқни сақлаш иқтисодиётининг вазифалари.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг бажариш шакллари:
Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар, презентациялар тайёрланади ва уларнинг тақдимотлари ташкил қилинади. Талабани мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчи раҳбарлиги остида маълум ўқув ишларини мустақил бажариш учун керакли кўникма ва билимларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдир. Талабанинг мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллар қўлланиланади:
- Ўқув адабиётлари ёрдамида баъзи назарий мавзуларни мустақил ўзлаштириш; кичик маълумотнома кўринишида олинган ахборотларни умумлаштириш;
- амалий машғулотларга тайёрланиш;

- амалиётда назарий билимларни қўллаш; жадвал, схема ва органайзерларни тайёрлаш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, презентация) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- махсус адабиётлар (мақолалар, монографиялар) билан ишлаш ва модулнинг катта бўлмаган бўлимлари бўйича кичик оғзаки ахборот тайёрлаш;
- автоматизациялаштирилган ўргатувчи ва текширувчи дастурларда ишлаш, тестлар ва график схемаларни тузиш;
- компютер дастурлари ёрдамида тақдимотлар тайёрлаш ва ўтказиш;
- конференциялар учун илмий мақола ва тезислар тайёрлаш.
- ишчи дафтар билан ишлаш

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилади.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат: янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларини ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиѐтлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайѐрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ѐндашиш;
- муаммоларни мустақил ҳал қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ѐки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Курс иши (лойиҳаси) кўрсатма ва тавсиялар

Модул бўйича курс иши намунавий ўқув режасида кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим

стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:
- жорий назорат (ЖН);
- якуний назорат (ЯН).
Модулга ажратилган 3 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

№	Бахолаш тури	Кредит сони
1.	Жорий назорат	3,0
	Жамоат саломатлиги	2,0
	Маркетинг, менежмент	1,0
2.	Якуний назорат	0
	ЖАМИ	3,0

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш модули бўйича Жорий назорат оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, маълумотларини ўрганиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган ҳолда қуйидаги босқичларда амалга оширилади: назарий ва амалий қисм (50:50)

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факултет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира

олмаган талаба факултет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан курсдан курсга қолдирилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал хатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши, ўзқарашларини илмий-амалий тилда асослаб бераолиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўлла йолиши; ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши; модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;	5	аъло
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим хатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш	4	яхши

			ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли хатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай		

			олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	"қониқарли" – суст натижа, қўпол камчиликлар билан	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо хатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бераолиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;	3	Қониқарли
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва хатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларниҳал эта олиши;		

			ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бераолиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.	2	Қониқарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН) синов

Якуний назорат тест шаклида амалга оширилади. ЯНга семестр давомида тўлиқ ажратилган кредитни йиққан якунида синовли вазифадан ўтган талабалар киритилади. Якуний назоратда саралаш балини (55) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Якуний назоратга маъруза ва амалий машғулотлардан қолдирилган дарслари бўлмаган, амалий машғулотларнинг ҳамма мавзуларидан топшириқларни бажарган, 3 кредитни йиққан хамда режадаги назорат ишларини бажарган ва топширган талабалар қўйилади. Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факултет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.
Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади. Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факултет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан курсдан курсга қолдирилади.
Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факултет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факултет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

1. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш, Дарслик. Тошкент, 2013 й.
2. Медик В.А., Юрьев В.К. “Общественное здоровье и организация здравоохранения”, Учебник. Россия. 2009 г.
3. Ризаев Ж.А., Маматкулов Б.М., Тухтаров Б.Э., Нурмаматова К.Ч. Stomatologiya menejmenti va iqtisodiyoti asoslari, O’quv qo’llanma. Toshkent. 2020.

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. ЎзбекистонРеспубликаси Президентининг Фармон ва Қарорлари
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари
3. Global Health 101.Richard Skolnik, USA, 2015 y.
4. Искандарова Ш.Т., Махмудова Н.М., Джалилова Г.А. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилишнинг асосий масалалари, Ўқув қўлланма. Тошкент, 2011 й.
5. Кучеренко В.З. Применение методов статистического анализа для изучения общественного здоровья и здравоохранения, Учебное пособие. Москва. 2011 г.
6. Котлер Ф., Келле К.Л. Маркетинг и менеджмент, Экспресс-курс. Санкт-Петербург. 2010 г.
7. Маматкулов Б.М., ЛаМорт, Рахманова Н. Клиническая эпидемиология и основы доказательной медицины, Учебное пособие. Ташкент. 2008 г.
8. Искандаров Т.И., Абдуфаттаев А.А. Жамоатчилик саломатлиги ва соғлиқни сақлаш, Дарслик. Тошкент. 2008 й.

9. Маматкулов Б. Тиббиёт статистикаси (биостатистикаси) асослари, Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005 й.

5.3. Интернет сайтлари

1. http://www.apha.org/media, Книга American Public Health Association
2. www.yandex.ru/
3. www.google.ru,
4. www.google.co.uz
5. info@minzdrav.uz
6. www.zyonet.uz
7. www.booksmed.com

ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ -1 МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Тўлиқ номи	**Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш**		
Модул коди:	Кредит ҳажми: 2 Шундан: ЖБ – 2 кредит: Жамоат саломатлиги – 2 кредит ЯБ – 0 кредит (ўтилиши мажбурий).	Модул ўтилиш даври: 5-семестр	ECTS value: 2,0
Таълим йўналиши	5510400 – Стоматология	3- босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	18 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	72	
	Шунингдек:		
	маъруза	14	
	амалий машғулот	40	
	мустақил таълим	18	
Ўқув модулининг статуси	Клиника олди модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Лекторлар Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш модули талабага аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш усуллари, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аҳолига бирламчи		

	тиббий санитария ёрдамни ва санитария-эпидемиология хизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, даволаш – профилактика стоматология ва санитар-эпидемиологик муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ва стоматологик муассасаларри бошқаришда замонавий менежмент ва маркетинг назариялари тўғрисида зарур билимларни эгаллаш имконини беради.
Пререквизитлар	Тиббий биология, умумий генетика, гигиена, тиббий экология, анатомия, тиббий кимё, физиология
Постреквизитлар	Мазкур модул клиник модулларни ўзлаштириш учун замин яратади.
Модулнинг мақсади	Жамоат саломатлиги, унга таъсир этувчи хавф омиллари, аҳоли саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва қайта тиклашни таъминлайдиган тизими, ташкилий-методик, бошқарув жараёнига баҳо бера оладиган, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш бўйича назарий, илмий-амалий ва услубий билимларга эга бўлган мутахассисни тайёрлашдир.
Модулнинг вазифалари	талабаларга назарий ва амалий билимлар бериш, жамоат саломатлигини ўрганиш усуллари ва услубларини, аҳоли саломатлиги ва унга таъсир этувчи ижтимоий шарт-шароитларни ўргатиш; Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг соғлиқни сақлаш борасидаги сиёсатини назарий асослаш ва соғлиқни сақлаш, аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш; бозор иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; тиббиёт ходимларини замон талабларига мос ҳолда тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича билимлари ва кўникмаларини шакллантириш.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	**5-семестр якунида** **Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:** - санитария статистик тадқиқот усулларини қўллашни, аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш усуллари; - Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари; - аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ва санитария-эпидемиология хизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, даволаш – профилактика стоматология ва санитар-эпидемиологик муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари; - соғлом турмуш тарзини шакллантириш; - меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш; **Талаба билиши шарт:**

	-тиббий статистика бўлимлари ва унинг вазифалари, санитария - статистик тадқиқот босқичларининг мақсад ва вазифалари, аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини; - жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллари, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташқи муҳит омилларини ва профилактика тадбирларини; - соғлом турмуш тарзини шакллантириш усуллари ва йўллари, соғлом турмуш тарзини тарғибот усуллари ва воситалари, стоматологнинг аҳоли саломатлигини сақлашдаги ўрнини; - соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва янги иқтисодий муносабатларга ўтиш туфайли жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг асосий ривожланиш босқичлари ва илмий-амалий муаммоларини; -аҳолининг барча қатламларига бирламчи тиббий хизматни ташкил этишни; **Талаба бажара олиши лозим:** - аҳоли саломатлиги, даволаш профилактика ва стоматология муассалалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлил қилиш; - касбий фаолият учун ўқув, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва Интернет тизимидан фойдаланиш. **Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:** даволаш – профилактика муассаларида қўлланиладиган бирламчи тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларни расмийлаштириш.
Таълим бериш усуллари	Маъруза; Амалий машғулотлар
Таъминот	Таълимнинг техник воситалари: компютер, телевизор, мултимедиа проекторлари. Ўқув жиҳозлари: шахсий ҳимоя воситалари, шахсий тиббий воситалари, асбоб-ускуналар; Ўқув-услубий материаллар: маъруза матни, маъруза презентациялари, тарқатма материаллар, дарслик, ўқув қўлланма, амалий машғулотлар учун услубий қўлланмалар, видеофильмлар.

ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ -2 МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Тўлиқ номи	**Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш**		
Модул коди:	Кредит ҳажми: 1 Шундан: ЖБ – 1 кредит: Маркетинг, менежмент – 1 кредит ЯБ – 0 кредит (ўтилиши	Модул ўтилиш даври: 9-семестр	ECTS value: 1,5

	мажбурий).		
Таълим йўналиши	5510400 – Стоматология	5 - босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	3 кун		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	36	
	Шунингдек:		
	маъруза	4	
	амалий машғулот	13	
	мустақил таълим	19	
Ўқув модулининг статуси	Клиника олди модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Лекторлар Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш модули талабага аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш усуллари, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ва санитария-эпидемиология хизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, даволаш – профилактика стоматология ва санитар-эпидемиологик муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ва стоматологик муассасаларри бошқаришда замонавий менежмент ва маркетинг назариялари тўғрисида зарур билимларни эгаллаш имконини беради.		
Пререквизитлар	Тиббий биология, умумий генетика, гигиена, тиббий экология, анатомия, тиббий кимё,ф физиология		
Постреквизитлар	Мазкур модул клиник модулларни ўзлаштириш учун замин яратади.		
Модулнинг мақсади	Жамоат саломатлиги, унга таъсир этувчи хавф омиллари, аҳоли саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва қайта тиклашни таъминлайдиган тизими, ташкилий-методик, бошқарув жараёнига баҳо бера оладиган, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш бўйича назарий, илмий-амалий ва услубий билимларга эга бўлган мутахассисни тайёрлашдир.		

Модулнинг вазифалари	талабаларга назарий ва амалий билимлар бериш, жамоат саломатлигини ўрганиш усуллари ва услубларини, аҳоли саломатлиги ва унга таъсир этувчи ижтимоий шарт-шароитларни ўргатиш; Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг соғлиқни сақлаш борасидаги сиёсатини назарий асослаш ва соғлиқни сақлаш, аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш; бозор иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; тиббиёт ходимларини замон талабларига мос ҳолда тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича билимлари ва кўникмаларини шакллантириш.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	**9-семестр якунида** **Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:** - бозор иқтисодиёти ва соғлиқни сақлаш тизимини хозирги даврида шаклланиб бораётган тиббий бозор хусусиятлари, тиббий хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳисобга олиш услублари ва тамойиллари, тиббий муассаса ва унинг бўлимларининг асосий потенциал мижозлари, эхтиёж ва талабларини ҳисобга олиш ва қондиришга илмий ёндошув услублари ва маркетинг тадбирлари режаси; - стоматологик муассасалар ва уларни бўлимларини бошқаришда замонавий менежмент ва маркетингнинг ўрни, замонавий менежмент ва маркетинг назариялари, соғлиқни сақлашни режалаштириш, иқтисодиёт, маблағ билан таъминлаш асослари; **Талаба билиши шарт:** - соғлиқни сақлашни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш асослари бўйича чора тадбирлари, усулларини; - муассаса фаолиятини маркетинг бошқарувида иқтисодий ахборотларнинг аҳамияти, маркетинг ахборотлари тизимини, маркетинг тадқиқотлари муаммоси ва мақсадларини аниқлаш, ахборотлар манбаларини танлаш ва уларни йиғиш, тиббий хизматлар бозорини шаклланиши ва унинг хусусиятлари, тиббий хизматлар бозорини бошқаришдаги давлатни ролини; - стоматологик муассасалар ва уларни бўлимларини бошқаришда менежмент ва маркетинг аҳамиятини, аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва шифокорнинг асосий вазифаларини. **Талаба бажара олиши лозим:** - Муаммони SWOT – анализ ёрдамида таҳлил қилиш - Ходимларни ишга олиш бўйича тадбирларни ташкил этишни. **Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:** - маркетинг тадбирлари режасини тузиш.

Таълим бериш усуллари	Маъруза; Амалий машғулотлар
Таъминот	Таълимнинг техник воситалари: компютер, телевизор, мултимедиа проекторлари. Ўқув жиҳозлари: шахсий ҳимоя воситалари, шахсий тиббий воситалари, асбоб-ускуналар; Ўқув-услубий материаллар: маъруза матни, маъруза презентациялари, тарқатма материаллар, дарслик, ўқув қўлланма, амалий машғулотлар учун услубий қўлланмалар, видеофильмлар.

Ўқитиш натижалари

Модулни якунлаганда талаба билади:

1. Тиббий статистика бўлимлари ва унинг асосий вазифалари;
2. Аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини;
3. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш усуллари, соғлом турмуш тарзини тарғибот усуллари ва воситалари;
4. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва янги иқтисодий муносабатларга ўтиш туфайли жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг асосий ривожланиш босқичлари;
5. Аҳолининг барча қатламларига бирламчи тиббий хизматни ташкил этишни;
6. ДПМ бошқаришда замонавий маркетинг ва менежмент усуллари ва назарияларини.

Модулни якунлаганда талаба бажара олади:

5-семестр якунида:

1. Аҳоли саломатлиги, даволаш профилактика ва стоматология муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлил қилиш;
2. Даволаш – профилактика муассаларида қўлланиладиган бирламчи тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларни расмийлаштириш.

9-семестр якунида:

1. Соғлиқни сақлаш муассасалари ишини ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишни амалга ошириш.
2. Муаммони SWOT – анализ ёрдамида таҳлил қилиш
3. Ходимларни ишга олиш бўйича тадбирларни ташкил этиш.